

**ЎЗБЕК ТИЛИ, АДАБИЁТИ ВА ФОЛЬКЛОРИ ИНСТИТУТИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.02/30.12.2019.FIL.46.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЎЗБЕК ТИЛИ, АДАБИЁТИ ВА ФОЛЬКЛОРИ ИНСТИТУТИ**

**МИРЗАЕВА БАРНО ТЎРАЕВНА**

**ЎЗБЕК ФОЛЬКЛОРШУНОСЛИГИ ШАКЛЛАНИШИ  
ВА ТАРАҚҚИЁТИДА ҲОДИ ЗАРИФОВНИНГ ЎРНИ**

**10.00.08 – Фольклоршунослик**

**ФИЛОЛОГИЯ ФАҢЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2022**

**УЎК: 398(=512.133).09(043.3)**

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)  
по филологическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD)  
on philological sciences**

**Мирзаева Барно Тўраевна**

Ўзбек фольклоршунослиги шаклланиши ва тараккиётида

Ҳоди Зарифовнинг ўрни .....3

**Мирзаева Барно Тўраевна**

Место Ходи Зарифова в становлении и развитии узбекского фольклора .....25

**Mirzayeva Barno Turaevna**

The role of Hodi Zarifov in the formation and development of uzbek folklore .....47

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works ..... 51

**ЎЗБЕК ТИЛИ, АДАБИЁТИ ВА ФОЛЬКЛОРИ ИНСТИТУТИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.02/30.12.2019.FIL.46.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЎЗБЕК ТИЛИ, АДАБИЁТИ ВА ФОЛЬКЛОРИ ИНСТИТУТИ**

**МИРЗАЕВА БАРНО ТЎРАЕВНА**

**ЎЗБЕК ФОЛЬКЛОРШУНОСЛИГИ ШАКЛЛАНИШИ  
ВА ТАРАҚҚИЁТИДА ҲОДИ ЗАРИФОВНИНГ ЎРНИ**

**10.00.08 – Фольклоршунослик**

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2022**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2017.1.PhD/Fil97 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида ([www.tai.uz](http://www.tai.uz)) ва «ZiyoNET» Ахборот таълим порталида ([www.ziyo.net.uz](http://www.ziyo.net.uz)) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Жураев Маматкул

филология фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Жуманазаров Умурызқ Абдураззоқович  
филология фанлари доктори, профессор

Ачилов Насим Камолович  
филология фанлари доктори, доцент

Етақчи муассаса:

Алишер Навоий номидаги  
Давлат адабиёт музейи

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.02/30.12.2019.FIL.46.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил «24» февраль куни соат \_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтди. (Манзил: 100060, Тошкент, Шахрисабз тор кўчаси, 5-уй. Тел: (99871) 233-36-50; факс: (99871) 233-71-44; e-mail: [uztafi@academy.uz](mailto:uztafi@academy.uz)).

Диссертация билан Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Асосий кутубхонасида танишиш мумкин (8 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100100, Тошкент шаҳри, Зиелилар кўчаси, 13. Тел.: (99871) 262-74-58.

Диссертация автореферати 2022 йил «24» февраль куни тарқатилди.

(2022 йил «24» февраль даги \_\_\_ рақамли реестр баённомаси).



Б. Тухлиев

Илмий даражалар берувчи  
Илмий кенгаш раиси, филол. ф. д., проф.

Л. Худайкулова

Илмий даражалар берувчи  
Илмий кенгаш илмий котиби, филол. ф. н.

Ш. Турдимов

Илмий даражалар берувчи  
Илмий кенгаш қошидаги  
Илмий семинар раиси, филол. ф. д.

### КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон фольклоршунослигида халқ оғзаки ижоди намуналарини номоддий маданий мерос объекти сифатида тўплаш, асраб-авайлаш, тасниф ва тадқиқ этиш кўп асрлик тарихга эга бўлиб, асрлар давомида жаҳон фольклоршунослари, элшунослари ва туркологлари диққатини тортиб келган. Зеро, фольклор асарлари халқнинг буюк тарихи, урф-одатлари ва анъаналарини ўзида жамлаб, сақлаб келаётган бебаҳо маънавий мерос ҳисобланади. Шу маънода миллий фольклоршунослик мактабларининг майдонга келиш, таркиб топиш ва шаклланиш тарихи ушбу жараёнда алоҳида ўрин тутиб, ҳар бир халқ фольклоршунослиги тараккиётини белгилашда ўзига хос илмий ва амалий аҳамият касб этади.

Дунё фольклоршунослигида миллий фольклоршунослик мактабларини яратган ва унинг тараккиётига улкан ҳисса қўшган олимлар ижодини ўрганиш ҳамиша етакчи мавзулардан саналган. Бундай тадқиқотлар барча халқлар фольклоршунослигининг фан сифатида шаклланиш ва ривожланиш тарихини ёритишда, унинг тараккиёт босқичлари ва етакчи тамойилларини аниқлашда, ўзига хос назарий йўналишларини белгилаб беришда муҳим саналган. Шунингдек, халқ оғзаки ижоди намуналарини ёзиб олиш, тўплаш, тасниф ва тадқиқ қилиш, келажак авлодларга ҳамда жаҳон халқларига тақдим этиш, муайян халқ оғзаки ижодининг жаҳон халқлари фольклорида тутган ўрнини аниқлаб бериши нуктаи назаридан ҳам эътиборга моликдир.

Ўзбек фольклоршунослигида ҳам халқ оғзаки ижоди намуналарини йиғиш, тасниф ва тадқиқ этиш узок тарихий тараккиёт босқичига эга. Айниқса, XX асрда бу борадаги фаолият янада кенг моҳият касб этди. Ўзбек фольклори табиати, жанрий тизими ва таркиби, бадиятига оид илмий қарашларни эълон қилиб, халқ оғзаки ижоди намуналарини тўплаб нашр этиш ва омма орасида тарғиб қилиш борасида самарали хизматлар қилган Ҳоди Тиллаевич Зарифов, шубҳасиз, ўзбек фольклоршунослигининг асосчисидир. «Бизнинг ҳавас қилса арзийдиган буюк тарихимиз бор. Ҳавас қилса арзийдиган улуғ аждодларимиз бор. Ҳавас қилса арзийдиган бекниёс бойликларимиз бор. Ва мен ишонаманки, насиб этса, ҳавас қилса арзийдиган буюк келажакимиз, буюк адабиётимиз ва санъатимиз ҳам албатта бўлади»<sup>1</sup>. Ҳоди Зарифов халқ оғзаки ижоди намуналарини илмий асосда академик тадқиқ қилиш ишини ташкил этган илк фольклоршунос ҳамда ўзбек мумтоз адабиётини жаҳон адабиётшунослигида тарғиб ва ташвиқ қилишда қимматли изланишлар олиб борган забардаст олим. Ўзбек фольклоршунослигининг назарий муаммоларига доир 150 дан зиёд илмий асарлар яратиб, ўзбек фольклоршунослиги мактабига асос солди ва уни жаҳоннинг энг етакчи илмий мактабларидан бирига айлантира олди. Шу босидан ҳам, ушбу

<sup>1</sup> Адабиёт ва санъат, маданиятни ривожлантириш – халқимиз маънавий оламининг юксалтиришининг мустақкам пойдеворидир. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг Ўзбекистон ижодкор зиёлилари вакиллари билан учрашувидagi маърузаси // Халқ сўзи. – 2017. – 4 авг. – №153 (6347).

масаланинг яхлит бир тадқиқот доирасида ўрганилиши долзарб ва муҳимдир. Мазкур тадқиқот натижасида ўзбек фольклоршунослиги тарихи, назарияси, жумладан, матншунослиги янада ривож топади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 17 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида», 2019 йил 21 октябрдаги ПФ-5850-сон «Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонлари, 2019 йил 14 майдаги ПҚ-4320-сон «Бахшичилик санъатини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2019 йил 23 сентябрдаги ПҚ-798-сон «Республика бахшичилик санъати маркази ва унинг ҳузуридаги бахшичилик санъатини ривожлантириш жамғармаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида», Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 7 октябрдаги 222-сон «2010-2020 йилларда номоддий маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш, асраш, тарғиб қилиш ва улардан фойдаланиш Давлат дастурини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорида ҳамда мазкур фаолиятга тегишли меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган устувор мақсад ва вазифаларни амалга оширишда ушбу тадқиқот муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялар ривожланишининг «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналишларига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Атоқли олим Ҳоди Зарифовнинг кенг қамровли илмий фаолиятига бағишланган қатор илмий изланишлар олиб борилган. Академик Тўра Мирзаевнинг «Ҳоди Зариф» рисоласи ҳамда «Ҳоди Зариф суҳбатлари» китоби ушбу тадқиқотлар орасида алоҳида қимматга эга<sup>2</sup>. М. Афзалов, Т. Мирзаев, С. Қосимов, М. Муродов, М. Мирзаева, К. Имомов, З. Ҳусайнова, И. Султонов ва бошқа олимларнинг Ҳоди Зарифов таваллуди кунини муносабати билан ёзилган мақолаларида эса олимнинг ижодий фаолияти қисман ёритиб берилган<sup>3</sup>. Шунингдек,

<sup>2</sup> Мирзаев Т. Ҳоди Зариф. Адабий портрет. – Тошкент. Бадий адабиёт нашриёти, 1967. – 82 б.; шу муаллиф. Ҳоди Зариф суҳбатлари – Тошкент. SHAMS-ASA, 2013. – 380 б.

<sup>3</sup> Афзалов М., Мирзаев Т. Ўзбек фольклористикасининг асосчиси // Шарқ юлдузи. – Тошкент, 1966 – 5-сон. – Б.228-232; шу муаллиф. Йирик олим // Совет Ўзбекистони. 1967. 19 март; Мирзаев Т. Ўзбек фольклоршунослигининг асосчиси // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1966. – 1-сон – Б.78-79; шу муаллиф. Шоирларга раҳбар Ҳоди // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1970. – 5-сон. – Б.79; шу муаллиф. Ўзбек фольклористикасининг асосчиси // Ўзбек тили ва адабиёти – Тошкент, 1975. – 2-сон – Б.96-98; шу муаллиф. Ўзбек фольклористикасининг асосчиси // Ўқитувчилар газетаси. 1966. – 16 январь. муаллиф. Зарифов Ҳоди Тиллаевич / Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 3-жилд. – Тошкент, 2002 – Б.686; Қосимов С. Ветеран ўзбекской филологини (к 60-летию со дня рождения Х.Т. Зарифова) // Звезда Востока. – Ташкент, 1966 – №4. – С.197-198. Муродов М., Мирзаева М. Фольклорчи олим // Ўзбекистонда ижтимоий фанлар. 1967 – 5-сон. – Б.55; Мирзаева М. Улкан олим (Ҳ. Зариф хақида) // Тошкент ҳақиқати. 1967. 20 март; Имомов К. Халқ заршуноси // Ўқитувчилар газетаси, 1975. 16 март; Ҳусайнова З. Заршунос // Ёш ленинчи. 1975. 19 март; Султонов И. Талантливый ученый-филолог // Правда Востока. 1967. 19 март.

Б.В. Луинин томонидан тузилган шарқшуносларнинг биобиблиографик кўрсаткичида ҳам Ҳ. Зарифовнинг ҳаёти ва илмий фаолиятига доир мухтасар маълумот берилган<sup>1</sup>. Аммо атоқли фольклоршунос олим Ҳ. Зарифовнинг ижодий фаолияти, унинг халқ эпосини ўрганишдаги концептуал қарашлари, шунингдек, олимнинг фольклор асарларини тўплаш ва нашр этиш принципларини ишлаб чиқиш билан боғлиқ ўзига хос назарияси ҳамда ўзбек мумтоз адабиётшунослигининг тадқиқотчиси сифатида фан тарихида тутган ўрни ҳалигача монографик планда махсус ўрганилган эмас. Мазкур диссертация иши ана шу бўшлиқни тўлдириш ва таниқли фольклоршунос олим Ҳ. Зарифовнинг илмий меросини чуқур ўрганиш ва яратилган илмий меросни фан олами ҳамда кенг жамоатчиликка етказишни мақсад қилгани билан алоҳида ажралиб туради.

**Тадқиқотнинг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Тадқиқот ЎзР Фанлар академияси Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти илмий-тадқиқот ишлари режалари доирасида Ф1-ФА.2012-1-8 «Ўзбек халқ ижоди ёдгорликлари» 100 жылдигини нашрга тайёрлаш ва уни тестологик ўрганиш масалалари» (2012-2020) фундаментал илмий лойиҳаси асосида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** Ҳоди Зарифовнинг фаолияти ва ижоди мисолида ўзбек фольклоршунослигининг келиб чиқиши, шаклланиши ва таракқиёт тамойилларини очиб бериш ҳамда ўзбек фольклори намуналарининг ёзиб олиниш тарихини аниқлаш ва у яратган илмий мерос моҳиятини асослашдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

XX аср бошларида ўзбек фольклорини ёзиб олиш ва ўрганиш тарихи хусусида назарий хулосаларга келиш ва улар асосида ўзбек фольклоршунослигининг ушбу давр таракқиётини аниқлаш;

ўзбек фольклоршунослиги асосчиси Ҳоди Зарифов илмий меросининг фан тарихида тутган ўрнини кўрсатиш;

XX асрнинг 20-йиллари фольклор экспедицияларининг халқ ижоди асарларини тўплашдаги аҳамиятини ва Ҳ. Зарифовнинг фольклор тўпловчилик фаолиятини ойдинлаштириш;

Ҳоди Зарифов томонидан тўпланган фольклор асарларини архивлаштириш, тизимлаштириш ва нашрга тайёрлаш принципларининг илмий мезонларини ёритиб бериш;

фольклор архивида сақланаётган Ҳоди Зарифов шахсий фонди материалларини илмий тавсифлаш орқали олим илмий фаолиятини тадқиқ этишда амалий ва назарий аҳамиятга молик хулосалар чиқариш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида ЎзР ФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти «Фольклор архиви» материаллари, Фольклор архивидаги «Ҳоди Зарифов шахсий фонди»да сақланаётган материаллар, олим

---

<sup>1</sup> Луинин Б.В. Библиографические очерки о деятелях общественных наук Узбекистана. Том 1. – Ташкент. 1976. – С 240-246.

илмий асарларининг кўлёмалари, фольклор экспедициялари кундаликлари асосий манба бўлиб хизмат қилади. Зарур ўринларда Ҳ. Зарифов нашрга тайёрлаган фольклор асарлари ҳамда чоп этилган илмий маколаларига ҳам муурожаат қилинди.

**Тадқиқотнинг предметини** XX аср бошларида ўзбек фольклоршунослигининг ўрганилиш тарихи ва бунда Ҳоди Зарифовнинг ўрин масаласи ташкил этади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқот мавзусини ёритишда таснифлаш, тавсифлаш, биографик, этнофольклористик ва киёсий таҳлил усулларидан фойдаланилди.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** куйидагилардан иборат:

фольклор архивида сақланаётган «Ҳоди Зарифов шахсий фонди» (олимлар билан ёзишмалари, маколаларининг кўлёмма нусхалари, экспедиция кундаликлари) ҳамда Ҳ. Зарифов раҳбарлигида ва бевосита унинг иштирокида ўтказилган дала экспедициялари материаллари орқали ўзбек фольклоршунослигининг таракқиёт йўли очиб берилган;

XX асрнинг 20-йилларида фольклоршунослик тарихида биринчи марта жонли ижро ҳолатида ўзбек халқ оғзаки бадий ижоди намуналарини, барча жанрларга оид фольклор асарларини ёзиб олиш, архивлаштириш ишини ташкил этган Ҳ. Зарифовнинг ўзбек эпоси ва бахшичилик санъати «Ўзбек халқ қахрамонлик эпоси» монографияси мисолида асосланган;

Ҳоди Зарифовнинг фольклоршунослик тарихи, назарий фольклоршунослик, фольклор текстологиясига бағишланган қарашлари, нашр этилган халқ дostonларига ёзилган сўзбошилари, ўзбек халқ ижоди асарларини нашрга тайёрлашда ишлаб чиққан етти банддан иборат тамойиллари ҳамда «Ўзбек фольклори» хрестоматияси фан учун муҳим манба эканлиги далилланган;

Ҳоди Зарифовнинг Алишер Навоий лирик мероси, хусусан, унинг афоризмлари, рубоий ва туюқлари, улуғ шоирнинг адабий муҳити, замондошлари ижоди ва фаолиятига бағишланган тўпламлари ҳамда XX аср бошлари ўзбек адабиёти бадий такомилидаги аҳамияти асосланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** куйидагилардан иборат:

Ҳ. Зарифовнинг халқ оғзаки бадий ижодини тадқиқ этишдаги ўзига хос назарий концепциялари, ўзбек халқ ижоди намуналарини тўплаш, архивлаштириш, нашр этиш ва илмий ўрганиш борасидаги тадқиқотларининг ҳозирги замон фольклоршуносликдаги муҳим аҳамияти очиб берилган;

ўзбек фольклоршунослиги тарихи даврлаштирилган ва ҳар бир даврнинг ўзига хос таракқиёт хусусиятлари, илмий-назарий йўналишлари, эришилган ютуқлари ва фан тарихида тутган ўрни ёритилган;

Ҳоди Зарифовнинг фольклор экспедицияси кундалигидаги мухтасар кайдномаларни, илмий фикр-мулоҳазаларни алоҳида ўрганиш ва илмий тадқиқ этиш зарурлиги асосланган;

халқ бахшиларининг ҳаёти, ижоди ва репертуари ҳамда эпосшунослик таракқиёти борасида олиб борган олимнинг тадқиқотлари таҳлил қилинган;



Ҳоди Зарифов мумтоз адабиётининг тадқиқотчиси сифатида Алишер Навоий ижодиётига доир илмий меросини тадқиқ этиши ҳамда олимнинг ташаббуси билан улуғ шоир ижодини ўрганиш бўйича ҳар йил ўтадиган анъанавий конференцияга асос солиниши ҳақидаги тарихий ҳақиқатлар очиб берилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** муаммонинг аниқ қўйилганлиги, чиқарилган хулосаларнинг таснифлаш, тавсифлаш, биографик, этнофольклористик ва киёсий таҳлил усуллари орқали асослангани, ишончли назарий манбалардан фойдаланилганлиги билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундаки, чиқарилган назарий хулосалар, аввало, ўзбек фольклоршунослигининг илк тарихий тараққиётини белгилашда асос бўлади, жумладан, фольклоршунос олимлар ҳақидаги мавжуд маълумотларни кенгайтиради ҳамда тўлдиради.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ўзбек фольклоршунослиги асосчиси Ҳоди Зарифовнинг илмий қарашлари олий ўқув юр்தларининг филология факультетларида семинар машғулотлари ўтказиш, махсус курслар ўтиш, ўзбек халқ оғзаки бадиий ижодиёти бўйича дарслик, ўқув қўлланмалар, илмий-методик тавсиялар, фольклор асарларининг илмий-академик ва оммабоп нашрларини тайёрлашда самарали фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** “Ўзбек фольклоршунослиги шаклланиши ва тараққиётида Ҳоди Зарифовнинг ўрни” мавзусини тадқиқ этиш бўйича олинган илмий натижалари асосида:

халқ ижоди асарларини илмий асосда ёзиб олиш, архивлаштириш, нашр этиш ва илмий тадқиқ қилиш иштини ташкил этган илк фольклоршунос олим Ҳоди Зарифовнинг илмий ишларига доир илмий кузатишларидан; Ҳоди Зарифов ўзбек дostonчилик мактаблари, бахшилик санъати, халқ шоирларининг ҳаёти, ижоди ва репертуари, эпосшунослик, фольклористика тарихи, маросим фольклори, назарий фольклоршунослик, фольклор матншунослиги каби долзарб масалаларига бағишланган асарларини ўрганилиши билан боғлиқ илмий қарашларидан ЎзР Фанлар академияси Қорақалпоғистон бўлими Қорақалпоқ гуманитар фанлар илмий тадқиқот институтида амалга оширилган ФА-Ф-1-005 рақамли «Қорақалпоқ фольклоршунослиги ва адабиётшунослик тарихини тадқиқ қилиш» (2017-2020) фундаментал лойиҳасини бажаришда фойдаланилган (Фанлар академияси Қорақалпоғистон бўлимининг 2021 йил 27 октябрдаги 17.01/262-сонли маълумотномаси). Натижада Ҳоди Зарифов шахсий фондини илмий тавсифлаш ва жаҳон фольклоршунослигининг бугунги тараққиёти даражасидан келиб чиқиб, ўзбек фольклори жанрларини илмий тадқиқ қилишнинг янги таъомилларини белгилашга оид фольклоршунослик масалаларни ёритиш орқали лойиҳа бой манбалар билан тўлдирилган;

Ҳ. Зарифов асарларининг эпосшунослик тараққиёти ҳамда ўзбек мумтоз адабиёти, хусусан Алишер Навоий ижоди борасида олиб борган

тадқиқотларидан ЎзР ФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институтида 2018-2020 йилларда бажарилган ПЗ-20170930220 рақамли «Навоний комусини нашрга тайёрлаш ва чоп этиш» мавзусидаги амалий лойиҳада фойдаланилган (Фанлар академиясининг 2021 йил 4 ноябрдаги №3/1255-3035-сонли маълумотномаси). Натижада Х. Зарифовнинг мутафаккир шоир Алишер Навоний ҳақидаги тадқиқотлари умумлаштирилиб, тадқиқотчининг «Ҳоди Зариф – навоийшунос» каби мақоласи комусга киритилган;

фольклоршунослик тарихида биринчи марта ўзбек халқ оғзаки бадий ижоди асарларини ёзиб олиш мақсадида фольклор экспедицияларини уюштириб, барча жанрларга оид фольклор асарларини ёзиб олиш ишини ташкил этган фольклоршунос олим Ҳоди Зарифовнинг илмий-назарий қарашларидан кенг омма орасида тарғиб қилишда «Ўзбекистон» миллий телерадиокомпанияси «Ўзбекистон» телерадиоканали ДМ «Маданий-маънавий ва бадий эшиттиришлар» муҳарририяти томонидан тайёрланган эшиттиришлар сценарийсини тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон миллий телерадиокомпаниясининг 2021 йил 13 сентябрдаги 04-25-1479-сонли маълумотномаси). Натижада атоқли фольклоршунос олим Х. Зарифов илмий ижоди, унинг халқ оғзаки бадий ижодини тадқиқ этишдаги ўзига хос назарий концепциялари, ўзбек халқ ижоди асарларини тўплаш, архивлаштириш, нашр этиш ва илмий ўрганиш борасидаги тадқиқотларининг ҳозирги замон фольклоршуносликдаги муҳим аҳамияти кенг тарғиб қилишга эришилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари 7 та халқаро, 4 та республика илмий-амалий анжуманларида қилинган маърузаларда жамоатчилик муҳокамасидан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Диссертация мавзуси бўйича 19 та илмий иш нашр қилинган бўлиб, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий агтестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 8 та илмий мақола, шундан 5 таси республика ҳамда 3 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Тадқиқотнинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, уч асосий боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат бўлиб, умумий ҳажми 170 саҳифадан иборат.

## **ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ**

Диссертациянинг Кириш қисмида танланган мавзунинг долзарблиги, ўрганилиш даражаси, илмий тадқиқот режалари билан боғлиқлиги, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объекти, предмети, тадқиқотнинг усуллари, илмий янгилиги, амалий натижалари, илмий ва амалий аҳамияти, жорийланиши, илмий жамоатчилик эътиборидан ўтиши, натижаларнинг эълон қилинганлиги, тадқиқотнинг тузилиши ва ҳажми ҳақида маълумотлар ёритилган.

Диссертациянинг биринчи боби “Ўзбек фольклоршунослигининг шаклланиши ва Ҳоди Зарифовнинг дастлабки илмий фаолияти” деб номланган. Ушбу бобининг “*Ҳоди Зарифов илмий ижодининг ўрганилиши*” деб номланган биринчи фаслида ўзбек фольклоршунослигининг асосчиси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, филология фанлари доктори, профессор Ҳоди Тиллаевич Зарифовнинг дастлабки илмий фаолияти ва XX аср бошларида халқ оғзаки ижоди намуналарининг ёзиб олинishi жараёнлари тадқиқ қилинган.

Ҳоди Зарифов тоғаси таъсирида ўзбек фольклоршунослигига 1923 йилда “кўнгилли, хаваскор” фольклор тўпловчиси сифатида кириб келди. Шу тарика ишни ўзбек халқ мақол ва маталларини тўплашдан бошлади ва фольклор ва этнография материалларини ёзиб олиш мақсадида фольклор экспедицияларини уюштирди. Ҳоди Зарифов раҳбарлик қилган ёки қатнашган экспедициялар натижасида Фольклор архиви юзага келди, ўзбек халқ бахшилари ва дostonчилик анъаналари ҳақида бой материаллар тўпланди. Бугунги кунда Фольклор архивида икки минг беш юзга яқин саклов бирлигида вариантлари билан биргаликда беш юздан ортиқ дostonлар, минглаб эртақ ва ривоятлар, ўн минглаб мақол ва топишмоқлар сакланмоқда. 1925-1929 йилларда Эргаш Жуманбулбул ўғли, Фозил Йўлдош ўғли, Муҳаммадқул Жонмурод ўғли Пўлқандан қирқдан ортиқ дostonлар ёзиб олинди. Бу дostonлардан 22 таси “Гўрўғли” циклига киради. Олти мингга яқин мақол ва маталлар, уч мингга яқин топишмоқ, эллиқдан ортиқ эртақ тўпланди<sup>5</sup>.

Бахшилар, эртақчилар, кўшиқчиларнинг аниқланиши ҳамда уларнинг оғзидан, айнан, ўзгартирмай, айтувчи шеvasида ёзиб олиш ишларини бошлаб берган олим 1927 йили Эргаш Жуманбулбул ўғлидан “Ғазали Санобар” дostonидан парчани, “Холдорхон” дostonини, 1928 йили “Равшан” дostonини ҳамда “Кунларим” термасини, “Тажнисли” тўртгликларини ёзиб олди. 1926-1927 йиллари Пўлқан шоирдан “Мардикор”, “Ҳасан батрак”, “Шайбонийхон” дostonларини, “Ошиқман” ҳамда “Соз” (1927) термаларини, Фозил шоирдан 1927 йилда “Айлади”, “Бўлмас”, “Гўрўғлининг таржимаи холи” (“Кунларим”), “Керакдир”, “Ярашмас” каби термаларини, “Очилдов” (1928) дostonининг 1-вариантини, “Юсуф билан Аҳмад” (биринчи қисми Пўлқан шоирдан (1927-1928) ёзиб олди. Ҳоди Зарифов “Шайбонийхон” дostonини 1927 йилда ёзиб олиб, 1928 йилда ҳеч қандай қискартиришсиз, ўзгартиришсиз Самарқандда нашр эттирди. Бу ўзбек фольклоршунослигида биринчи марта халқ дostonи матнининг нашр этилиши эди. Матн билан бирга изоҳлари ҳамда лугатини тайёрлади<sup>6</sup>.

У тўпловчи сифатида фақат бир фольклор жанрига боғланиб қолмади. Жонли жараённи бутун Ўзбекистон бўйлаб кузатишга ҳаракат қилди. 1926 йилда олим Самарқанд вилоятига уюштирилган экспедицияда Рустам

<sup>5</sup> Қаранг: Ҳоди Зариф. Ўзбек совет фольклористикаси тарихидан / Ўзбек совет фольклори масалалари. Тадқиқотлар. 1-китоб. – Тошкент, 1970. – Б. 236.

<sup>6</sup> Шайбонийхон. Нашрга таёрловчи Ҳ. Зарифов. Айтувчи Муҳаммадқул Жонмурод ўғли Пўлқан – Тошкент-Самарқанд. Ўздавнашр, 1928. – 168 б.

Маъмур ўғли, Тожибой Қулмат ўғли каби эртақчиларни аниқлади. 1935 йилда Ҳоди Зарифов раҳбарлигида Фарғона водийсига ташкил этилган фольклор ва диалектология материалларини тўплаш мақсадида уюштирилган экспедицияда Бўри бахши Содик ўғли, Умурзок бахши, Усмон Маматқул ўғли каби бахшилар, Ҳасан Худойберди ўғли, Қозон хожи, Хусанбой Расул каби эртақчилар олим томонидан аниқланган ва уларнинг репертуаридаги энг сара дoston ва эртақлар ёзиб олинган.

Ҳоди Зарифов XI асрнинг улкан олими Маҳмуд Кошғарийни фольклоршунос ва этнограф сифатида ўрганиш зарурлигини, ўзбек фольклорининг ёзиб олинмиш тарихини улкан тилшунос олими номи билан боғлаш мумкинлигини айтиб келса-да, фольклоршунослик тарихини 1920 йилларнинг бошларидан ўрганилишини таъкидлайди. Бунинг албатта, ўзига хос сабаблари мавжуд. Маҳмуд Кошғарий “Девону луғотит турк” асарида халқ кўшиқлари, ривоятлари, мақолларида мисол тарикасида келтирса-да, фольклоршунослик нуқтаи назаридан бир тизим ҳосил қилмаган. “Девону луғотит турк”да муаллифнинг бир канча илмий-назарий қарашларини фольклоршунослик тарихи намуналари, деб эмас, балки фольклористик қарашлар тарихи тарзида ўрганиш мақсадга мувофиқдир. Худди у ёки бу ёзувчининг адабий-эстетик қарашларини ўргангандек... Фольклористик қарашлар тарихи жуда узок даврларга бориб тақалса-да, фольклоршунослик ҳақида бундай, деб бўлмайдми, – дейди Ҳоди Зарифов. – Чунки халқ ижоди намуналарини бевосита ижодчи ва ижрочилардан ёзиб олиш, уларни нашр этиш ва илмий ўрганиш ишлари йўлга қўйилиши билан фольклоршунослик тарихи ҳам бошланади<sup>7</sup>.

Олимнинг фикрича, халқ ижоди намуналарини бевосита ижодчи ва ижрочилардан жонли ижро шароитида ёзиб олиш, уларни нашр этиш ва илмий ўрганиш ишлари йўлга қўйилиши билан ўзбек фольклоршунослик тарихи ҳам бошланади. Шу нуқтаи назардан қараганда, фольклоршунослик бизда фаннинг янги соҳаси сифатида унинг тарихини XX асрнинг 20-йилларнинг бошларидан, аниқроғи, Ғози Олим Юнусовнинг Сирдарё ва Самарқанд вилоятларига, Элбекнинг Тошкент вилоятига, Ғулом Зафарийнинг<sup>8</sup> Фарғона водийсига уюштирган экспедицияларидан бошлаш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблайди.

Ҳоди Зарифов фольклор дурдоналарини илк тўпловчиси ҳамда тадқиқотчи сифатидаги меҳнатлари билан ўзбек фольклоршунослиги фанининг мустаҳкам асосини яратди. Халқ дурдоналарини бевосита ижодчи ва ижрочилардан ёзиб олиш билан фольклоршунослик тарихини ҳам бошлаб берди.

Биринчи бобнинг иккинчи фасли “*Ўзбек фольклоршунослигига назарий асос солиниши*” деб номланади. Матншунослик филологиянинг долзарб йўналишларидан бири бўлиб, бадий матнни нашрга тайёрлаш ва чоп

<sup>7</sup> Қаранг: Мирзасев Т. Ҳоди Зариф сўхбатлари. – Б.217-219

<sup>8</sup> Қаранг: Юнусов Ғози Олим. “Алпоминш” достонидан парча // Билим ўчоғи. 1923. – 2-3-қўшма сон. Элбек Лапарлар // Билим ўчоғи. 1922. – 1-сон. Зафарий Ғулом. Чигатой – ўзбек халқ театри // Билим ўчоғи. – 1923. – 2-3-сон.

эттиришнинг илмий принципларини мукаммаллаштиришга хизмат қилади. Хусусан, фольклор матншунослиги масалаларини тадқиқ этишда Ҳоди Зарифовнинг бу йўналишда амалга оширган ишларини таҳлил қилиш муҳим илмий қимматга эга. Олимнинг 1930 йиллар илмий фаолиятида фольклор намуналарни тўплаш асносида уларни ёзиб олишнинг методларини ишлаб чиққанлиги, халқ ижоди намуналари талаффузини ўзувда акс эттиришнинг аниқ бир тизимини яратганлиги асосий ўрин тутди<sup>9</sup>.

Ўз фаолиятини фольклор матншунослиги масалаларига қаратган олимнинг фикрича, халқ оғзаки поэтик ижоди асарларининг жонли ижро жараёнида ёзиб олинган матнни таҳрир қилиш, унга ўзгартиришлар киритиш ёки тўқима мисраларни киритиш фольклорнинг анъанавий табиати ҳамда бадний-эстетик қимматига путур етказди. Бу эса пировард натижада халқнинг асрлар давомида яратилиб, сайқалланиб келган маънавий қадриятлари тизимини сохталаштиришга олиб келади. Ёзиб олинган фольклор намуналарини нашр этишда сохталаштириш, қалбакилаштириш эса ўзбек фольклоршунослиги тараққиётига катта зарар етказди. Матнни нотўғри ўқиш эса асарнинг тилига, баднийлигига салбий таъсир қилади<sup>10</sup>. Кўринадики, дostonдаги бир сўзнинг нотўғри таҳрир қилиниши бир асарнинг бузилишига олиб келади. Ҳозирги кунгача фольклор асарлари нашрлари, “Ўзбек халқ ижоди ёдгорликлари” 100 жылдигининг мукаммал нашрини тайёрлаш ва уни чоп эттириш ишлари Ҳоди Зарифов бошлаб берган нашрга тайёрлаш принципларини асосида амалга оширилмоқда.

Диссертация биринчи бобининг учинчи фасли “*Ҳоди Зарифов кундаликлари ва уларнинг фольклористик манба сифатидаги аҳамияти*” деб номланиб, унда Ҳоди Зарифовнинг фольклор экспедициялари давомида тутган кундалик дафтарларнинг халқ оғзаки бадний ижодиётини ўрганишдаги муҳим илмий аҳамияти очиб берилган.

Ҳоди Зарифовнинг Фольклор архивида сақланаётган фольклор экспедицияларидаги кундаликларида айрим саҳифалар батафсил ёзилган бўлса-да, кўп ҳолларда баъзи бир қайдлар билан чекланилган. Шундай бўлсада, Ҳоди Зарифовнинг экспедиция ва сафарларда бўлган пайтдаги кундаликларини варақлаганда фольклор матншунослиги учун жуда муҳим хулоса ва изоҳларини учратамиз.

1932 йил май ойида Оҳангарон воҳаларига уюштирилган фольклор, этнография ва диалектология экспедициясидаги Ҳоди Зарифовнинг кундалигида Самарчиқли Нишон Пирматовдан 17 май куни “Самарчиқ” ҳақида ёзиб олган бир афсона қайд этилган. Мазкур афсонада воқеа бундай: “Бизнинг текти бовомиз *Самғар бий* деб аталар экан, Олдим деган жерда. Очамойлида Гўшсой деган жерда киштовни бор экан. Жозиға Самарчиқта Кўссой деган жойга чиғадекан. Самарчиқта жайнап, кейин бешта-олтита улу бўғон. Шу улудан тарқап уч жуз уйли Самарчиқ бўғон. Ул вақта шул Самғар бойнинг жерининг чек ораси Кескан таштан Керага ташқача борар экан”.

<sup>9</sup> Шоабдурахмонов Ш., Мирзаев Т. Улкан олим // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1985 – 4-сон. – Б.30.

<sup>10</sup> Зарифов Ҳ. Ўзбек халқ ижоди кўп томлигига қирадиган асарларни тайёрлаш принциплари / Ислом шоир ва унинг халқ поэзиясида тутган ўрни. Тадқиқотлар. – Тошкент: Фан, 1978. – Б.135.

Шундан сўнг, “Кескан таштан – бу кесилган ёки бўлакларни кетган тош бўлса керак. Керага ташкача – Керага ўтов ёки кора уйнинг четансимон девор қисми”<sup>11</sup>, каби олимнинг изохларини учратамиз.

Яна шундай нодир манбалардан бири 1958 йилги фольклор экспедициясига раҳбарлик қилган Ҳоди Зарифовнинг “дала ёзувлари” битилган кундалигида Самарқанд шаҳри яқиндаги Омонқўтон дарасида жойлашган Терсак қишлоғидан ёзиб олинган от билан боғлиқ сўз ва атамалар, ўзбекларнинг бўри билан алоқадор мифологик тасаввурлари ёзиб олган. 28 июль куни Терсак қишлоғида яшовчи 68 яшар Михли Норқўзи ўғли билан суҳбатлашган Ҳоди Зарифов ўзбекларнинг бўри билан алоқадор мифологик тасаввурларини ёзиб олганлиги мазкур экспедициянинг энг муҳим натижаларидан бири бўлган. Бу материалнинг илмий аҳамиятини ҳисобга олган ҳолда уни қисман келтиришни лозим топдик: “Бўри хуфтондан саҳаргача жин ер экан. Жин кеча кўп бўлар эмиш, бўри оғзини очса, жин ўзи кириб кетар эмиш”. “Бўридайин бўртиб жўрт”. “Бўрининг жағини тумор қилиб, қиз болалар, аёллар бўйнига тақиб юрган, бунга ҳайкал ҳам дейилган”. “Бўрини ушлаб олса, аёллар устидан хатлаган”. “Бўрининг боласини ушлаб олса, қишлоққа зиён бўлади, мол қолмайди”. “Бўри уясида оғзини очиб чиқади, “Қаришқул” деса оғзини ёпиб чиқади”. “Қариш-қариш!” – деса оғзи очилмас эмиш...”<sup>12</sup>. Кўринадик, Ҳоди Зарифов экспедицияси кундаликларининг ўзи чуқур илмий изланишларни талаб қилади.

Ёзиб олинган фольклор асарларининг матнини филологик жиҳатдан тадқиқ этиш, фольклор намуналарини нашрга тайёрлаш, таниқли бахши-шоирлар биографияси ҳамда дostonчилик мактабларига доир бирор маълумотга аниқлик киритиш, тарихий-фольклорий жараённинг муайян даври ҳақида хулосалар чиқариш ёки фольклоршунослик тарихини яратишда “Фольклор экспедиция кундаликлари”даги битиклардан самарали фойдаланиш мумкин.

Диссертациянинг “Ҳоди Зарифов халқ дostonларининг тадқиқотчиси” номли иккинчи боби биринчи фасли “Халқ дostonларини ўрганишда янги босқичнинг бошланиши” деб номланган.

Ҳоди Зарифов ўз суҳбатларида: “Мен 1954-1958 йилларни “дostonлар нашри йиллари” дегим кела беради. Чунки 60-йилларнинг бошларида халқ ижоди асарларини қайта нашрга тайёрлаш ва уларни чоп этишни янги асосларда йўлга қўйилишида ўша нашрлар ҳам муҳим замин бўлган эди”, – дейди<sup>13</sup>. Ўша даврдан бошлаб Ҳоди Зарифов асосан ўзбек фольклоршунослигида дostonчилик анъаналари ва эпосшунослик тадқиқига эътибор қаратди.

Ҳ. Зарифовнинг ўтган асрнинг 30-йил охиридаги илмий фаолиятида, бир томондан, дастлабки ижодида бўй кўрсата бошлаган халқ бахшилари ва уларнинг репертуарини ўрганиш масалалари янги қарашлар билан асосий диққат марказига кўтарилган бўлса, иккинчи томондан, унинг тадқиқотчилик

<sup>11</sup> ЗўФА. Иив. №2139 – Б.3.

<sup>12</sup> Ҳоди Зарифов шахсий архиви материаллари. Иив. №ХЗ-5 – Б.12-14.

<sup>13</sup> Мирзаев Т. Ҳоди Зариф суҳбатлари. – Б.179.



уфклари (масалан, ўзбек мумтоз адабиётини ўрганиш) янада кенгайганлиги кўзга ташланади. Бунда унинг илмий фаолиятида анъанавий халқ дostonларининг айримларини алоҳида-алоҳида тадқиқ этиш ва уларнинг матиларини нашрга тайёрлаш ишлари асосий ўрин тутди.

“Равшан”, “Малика айёр”, “Кунтуғмиш” дostonларига сўзбошилар<sup>14</sup> тарзида эълон қилинган бу тадқиқотлар алоҳида-алоҳида мақолалар<sup>15</sup> сифатида ҳам нашр этилди. Ҳоди Зарифов бу мақолалари билан халқ дostonларини чинакамига ўрганишга кенг йўл очди ва улар олимнинг илмий фаолиятида ҳам, ўзбек фольклоршунослиги тараққиётида ҳам янги бир босқичнинг бошланганлиги нишонаси бўлди.

“Ўзбек халқ ижоди бўйича тадқиқотлар” сериясида нашр этилган атокли ўзбек халқ шоири Эргаш Жуманбулбул ўғлининг санъаткорлик маҳорати, дostonчиликдаги ўрни ва ўзбек халқ ижодига қўшган ҳиссасини ёритувчи мақолалар орасида Ҳоди Зарифовнинг 1946 йилда нашр қилинган “Кунтуғмиш” дostonига ёзилган сўз бошиси<sup>16</sup> алоҳида аҳамият касб этади.

Олим халқ дostonларини борича ёзиб олиш билан бирга унинг вариантларини киёслаш ва дoston мазмуни ва сюжетида дахл қилмасдан ижрочи маслаҳати билан таҳрирлашни лозим топади. Баъзан ижро жараёни билан боғлиқ асар матнида ихтилофлар юзага келадик, бундай ҳолларда олимдан матн таҳрир талаб этади. Самарқанд вилоятининг Каттакўрғон туман, Энам яхши кишлоғида яшаган Нурмон Абдувой ўғлидан 1927 йили 2 октябрда фольклор тўпловчи Зариф Қодирий томонидан ёзиб олинган “Орзигул” дostonи “Абдулла копир” номи билан қуйланган<sup>17</sup>. Олимнинг фикрича, бу дoston айнан “Орзигул” дostonидир. Аслида мазкур дoston қўлёзмасининг орасидаги ёзув ушбу асар номини аниқлашга ёрдам беради. Унда ёзилишича, “Бу дostonнинг номини “Абдулла копир” демасдан, “Орзигул” деб аташ тўғри бўлади”. Бундан маълум бўладики, Ҳоди Зарифов дoston номланишига ҳам алоҳида эътибор бериш тарафдори бўлган.

Ҳ. Зарифов ўз тадқиқотларида ўзбек дostonлари ва дostonчилиги, унинг асосий хусусиятлари, эпик репертуарларининг тарқалиш доираси ва яшаш шароитларини атрофлича текшириб, эпосни ўрганишда янги даврни бошлаб берди.

Иккинчи бобнинг иккинчи фасли “*Эпик матн таснифи ва тадқиқи масалалари*” деб номланган. Ҳоди Зарифов 1963 йилда нашрга тайёрлаган<sup>18</sup> “Кундуз билан Юлдуз” дostonидаги маълумотлар асосида унинг матнга

<sup>14</sup> Қаранг: Ravshan Айтувчи Эргаш Жуманбулбул ўғли, нашрга тайёрловчи Ҳ. Зариф – Тошкент, 1941. – Б.170. Малика айёр. Айтувчи Фозил Йўлдош ўғли, нашрга тайёрловчи Ҳ. Зариф – Тошкент, 1941. Кунтуғмиш. Айтувчи Эргаш Жуманбулбул ўғли, нашрга тайёрловчи Б.Каримов. – Тошкент, 1949. – Б.3-10.

<sup>15</sup> Қаранг: Зариф Ҳ. “Равшанхон” дostonи ҳақида // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. 1940. 5-сон – Б.113-121, яна ўша: О поэмe “Равшан” / Литература и культура Узбекистана. Ки. IV. – С.74-80, яна ўша: “Равшан” дostonи ҳақида / Эргаш шоир ва унинг дostonчиликдаги ўрни. Тадқиқотлар 2-китоб. – Тошкент, 1971. – Б.60-73. Яна ўша: “Кунтуғмиш” дostonи ҳақида / Қўрсатилган тўплам. – Б.43-58; яна ўша: Ажойиб дoston / Фозил шоир. Ўзбек халқ ижоди бўйича тадқиқотлар 3-китоб. – Тошкент, 1973. – Б.44-58.

<sup>16</sup> Кунтуғмиш. Айтувчи Эргаш Жуманбулбул ўғли. Нашрга тайёрловчи Б.Каримов. – Б.3-10

<sup>17</sup> ЗУФА. Инв. №28

<sup>18</sup> Қаранг: Кундуз билан Юлдуз. Айтувчи Эргаш Жуманбулбул ўғли, нашрга тайёрловчи Ҳ. Зариф. – Тошкент, 1963. – 275 б. (Бундан кейин мазкур нашрга мурожаат қилинганда саҳифаси кавс ичида қўрсатилади. – Б.М.)

берган изоҳлари нақадар илмий қимматга эга эканлиги тўғрисида айрим мулоҳазалар билдирилган. Китобнинг аннотациясидан тортиб, мундарижасигача зукко олимнинг ишлаш принципнинг нақадар пухта эканини кўришимиз мумкин. Атиги иккита ёйиқ гапдан иборат бўлган аннотацияда: а) “Қундуз билан Юлдуз” достонининг “Тўрўғли” туркумига кириши; б) туркумнинг қирқдан ортиқ достонлардан иборатлиги; в) унинг яратилиш даври; г) номлари бизга номаълум бахшилар томонидан ижод қилинганлиги; д) халқ ўртасида кенг тарқалиб, қуйлаб келинганлиги ҳақидаги маълумотлар ҳамда достоннинг мазмуний ифодаси аниқ кўрсатилган. Бундай аниқлик ва теранлик Ҳоди Зарифов илмий услубига хос фазилатлардан биридир. Нашрда берилган изоҳ ва маълумотлар олим достон матни устида узоқ изланишлар олиб борганлигини кўрсатади. Шу ўринда достоннинг муҳим эпизодларидан бирига эътибор қаратамиз. Достондаги Қундуз тўйи тасвирида шундай бир банд бор:

*Ўйин қилар озиб-озиб,  
Барнолар қулочин ёзиб,  
Қошин кериб, кўзин сузиб,  
Ҳар чиққанда ўзин бузиб,  
Базми бораётир қизиб,  
Чувлагани юртни бузиб,  
Ўйнайди йизинни кезиб,  
Кўп ўйинчи барнолари,  
Бири-бировидан ўзиб (Қундуз билан Юлдуз. – Б.139).*

Бу ерда ҳам тўртинчи мисрадан (“Ҳар чиққанда ўзин бузиб”) ташқари барча сатрлар тушунарли. Аммо тўртинчи мисрага келганда, китобхон ўйинга (сахнага) чиққан санъаткор нега “Ўзини ўзи бузади” дея хайрон қолиши табиий. Демак, бу ерда ҳам ёрдамчи маълумот керак. Устоз олим қисқагина “киёфасини ўзгартириб” дея изоҳ бериб қўяқолган. Бундай қисқа ва аниқ изоҳдан китобхон қиёфани ўзгартирмоқ масҳарабоз ва қизиқчиларга хослигини, Қундузнинг тўйида фақат бахшилар ва кўпкаритозларгина эмас, халқ томоша санъатининг барча вакиллари иштирок этганлигини билиб олади. Саҳифалараро бериб борилган бундай изоҳлар қирққа яқиндир.

Ҳоди Зарифов ўзбек халқ оғзаки ижоди асарларининг луғат бойлиги ҳақида тўхталиб, қуйидагича муносабат билдирган эди: “Фольклор асарларининг илмий ва бадний қиймати уларнинг луғат бойлиги билан белгиланади. Фольклор асарларини нашрга тайёрлашда унинг луғат бойлигини мутлақо саклаш керак...”<sup>19</sup>. Китоб нашрига олим тўрт юзга яқин сўз ва тушунчаларнинг достондаги маъноларини изоҳловчи махсус бир луғатчани ҳам илова қилади. Хулоса қилиб айтганда, олимнинг эпик асарлар матнидаги ҳар бир изоҳ ва луғатдаги сўзларга катта бир билим билан ёндашувини кўрамыз.

<sup>19</sup> Зарифов Ҳ. Ўзбек халқ ижоди кўп томлигига кирадиган асарларни тайёрлаш принциплари. – Б.133-135.



Иккинчи бобнинг учинчи фасли “*Ҳоди Зарифов бахши-шоирлар ижодининг тадқиқотчиси*” деб номланади. Ҳоди Зарифовнинг ўзбек халқи маданияти хазинасига қўшган энг улкан хиссаси Эргаш Жуманбулбул ўғли, Фозил Йўлдош ўғли, Муҳаммадқул Жонмурод ўғли Пўлкан ҳамда Ислом Назар ўғли каби чечан сўз санъаткорларини аниқлаб, уларнинг ижодий меросини ёзиб олганлигидир. Олим бу маҳоратли бахшлар куйлаб келган бой фольклор асарларини ёзиб олиш, унга илмий баҳо бериш, нашр этиш ишига бутун ҳаётини бағишлади. Атоқли дostonчиларни аниқлаганида Ҳоди Зарифов бор-йўғи 21-22 ёшда бўлиб, улкан халқ шоирлари эса олтмиш ёшни коралаган эди. Ҳоди Зарифов тадқиқотларида ўзбек халқ дostonлари ижрочиларига алоҳида тўхталади. Халқ бахшиларининг маҳорати ҳақида фикр юритиб шундай дейди: “Эргашда кофиялар ранг-баранг. У радифдан фойдаланиш билан баробар қийин шаклларни ҳам топиб, ишлата бнлади. Эргаш дostonларидаги вазн ҳам бошқа дostonчиларимизга нисбатан бойроқ”<sup>20</sup>. “Фозил шоир ўзбек халқ дostonчилигида улкан санъаткор, буюк дostonчи ҳисобланади. У халқ тили, таъбирлари, урф-одатлари ва халқ руҳини яхши биларди”<sup>21</sup>.

1929 йилда Ғ.О. Юнусов раҳбарлигида фольклор экспедициясининг аъзоси сифатида Қашқадарё ҳамда Сурхондарё воҳаларида бўлиб, Абдулла Нурали ўғли, Холёр Абдукарим ўғли каби бахшилар ижодиётини ўрганди. Ҳоди Зарифов Тўра Мирзаев билан бўлган суҳбатида, 1929 йил 26–30 июндаги экспедицияда Абдулла шоир “Алпомиш” дostonини жуда юксак бадий савияда куйлаб берганини, афсуски, у вақтда дostonни ёзиб олишга имкон бўлмагани ҳақида айтади. 1930 йилги Хоразм фольклор-этнографик экспедицияси чоғида Қурбонназар Абдуллаев (Бола бахши), Қурбон созчи, Биби шоира, Хонимжон халфа, Ожиза, Аҳмад Матназар ўғли, Хўжаёр бахши Воис ўғли каби халқ шоирлари аниқланди.

Ҳоди Зарифов Хонимжон халфадан “Асилхон” (“Асил – Карам”)<sup>22</sup> дostonини ёзиб олди. Ҳоди Зарифов ўзбек халқ бахшилари ва дostonчилик анъаналари, дoston куйлаш тартиби, куйчи ва унинг тингловчилари, устоз ва шогирд муносабатлари, дostonчилик мактаблари ҳақида жуда кўп материаллар тўплади. Ҳар бир бахшининг ўзига хос поэтик йўли борлигини ўзбек фольклоршунослигида биринчи бўлиб аниқлаган Ҳоди Зарифов, уни шартли равишда “бахшилар мактаби” деб атади. Ҳоди Зарифовни текширишлари шунини кўрсатадики, атоқли бахшилар Эргаш Жуманбулбул ўғли, Пўлкан шоир, Фозил Йўлдош ўғли, Ислом шоирларнинг ўзларидангина олтмишдан ортиқ дoston ёзиб олинган. Бу дostonлар, деярли, бир-бирини такрорламайди. Бошқа бахшилардан ҳам ёзиб олинганларини уларнинг вариантлари билан қўшиб ҳисоблаганда, дostonларимизнинг умумий сони уч юздан ошиб кетади. Ҳозирги кунда фольклор архивида беш юздан ортиқ дostonлар жамланган.

<sup>20</sup> Зариф Х. Улкан халқ санъаткори / Эргаш шоир ва унинг дostonчиликлари ўрни. Тадқиқотлар. 2-китоб. – Тошкент: Фаи, 1971. – Б. 23

<sup>21</sup> Зарифов Х. Фозил шоир – машҳур дostonчи / Фозил шоир. Тадқиқотлар. 3-китоб. – Тошкент, 1973. – Б.28

<sup>22</sup> ЗУФА. Инв. №42

Учинчи боб “**Ҳоди Зарифов илмий меросининг фольклоршунослик тараққиётида тутган ўрни**” деб номланади. Бобнинг “**Фольклор намуналарини тарихий асосларига кўра тадқиқ этиши**” номли биринчи фаслида олимнинг фольклор асарлари генезисига онд тадқиқотлари таҳлил қилинган. Олимнинг фикрича, турли даврларда қуйланиб ва айтилиб, ўзгара-ўзгара бизгача етиб келган халқ достонларидаги “кадимий элементларнинг қолдиқларига тарихий назар ташлаш”, уларнинг археология ва этнография материаллари билан қиёслаш орқали бу масалани атрофлича ёритиш мумкин. Унинг вафотидан кейин “Ўзбек халқ достонларининг тарихий асослари бўйича текширишлар”<sup>23</sup>, деган умумий ном остида эълон қилинган мақолалари ва қайдлари туркуми алоҳида аҳамиятга эга. Бу материални нашрга тайёрлаган Тўра Мирзаев уларга шундай изох беради: “Атоқли олим Ҳ.Т. Зарифов халқ достонларининг тарихий асосларини комплекс ўрганиш тарафдори эди... Унингча, эпосда сақланиб қолган кадимий эътиқод ва тушунчаларнинг изларини аниқлаш, уларни муайян ижтимоий-иқтисодий шароит билан боғлиқ равишда ўрганиш халқ достонларининг тарихий асослари ва кадимий илдизларига бориб такалади. Бу эътиқод ва тушунчаларнинг мавжуд тарихий ва этнографик фактлар билан кенг қиёсий ўрганиш лозим. Шунинг учун ҳам олим фольклорда мавжуд от, туя, бўри, қуш культининг излари билан боғлиқ жуда кўп материаллар тўплаган...”<sup>24</sup>

Ҳоди Зарифов эпик от образидаги қанотлилиқ, паланг от ва бошқаларни қиёсий таҳлил қилар экан, табиий насли отларда мавжуд сифат ва хосиятларни фольклорга хос бўрттириб, бадий бўёқларда безаб кўрсатиш, бунда тотемистик қарашлар ҳам ўз ифодасини топганлиги хосиласи эканлигини алоҳида таъкидлайди ҳамда жанговор от образини яратишда отларнинг реал ҳаётдаги чопқирлик, эпчиллик, чидамлилиқ хусусиятлари, реал ҳаётнинг сифат ва хосиятлар кенг миқёсда асослангани, улардаги фантастик элементлар иккинчи даражали аҳамиятга эга, деган хулосага келади<sup>25</sup>.

Ҳ. Зарифовнинг ўзбек халқ достонларининг тарихий асослари бўйича яратган тадқиқотлари шуни кўрсатадики, устоз олим фольклорнинг ҳаётнинг тарихий негизларини жуда ҳам серкўлам тадқиқот объекти сифатида тасаввур қилган ва шу йўлда арзирли тадқиқотлар яратган.

Учинчи бобнинг иккинчи фасли “**Фольклор ва адабиёт муносабати Ҳоди Зарифов талқинида**” деб номланади. Бир муддат бошқа олимлар каби сиёсий тўхматлар билан илмдан, Тил ва адабиёт институтидан четлатилган олимнинг бу даврини ташкилотчилик даври, деса ҳам бўлади. Аммо ўша даврда ҳам олим ижод қилишдан тўхтамади. У ўттизинчи йиллардаги фаолиятини Алишер Навоий ижодини ўрганишга ва унинг асарларини чоп

<sup>23</sup> Зарифов Ҳ. Ўзбек халқ достонларининг тарихий асослари бўйича текширишлар / Пўлкан шоир. Талқинотлар. 4-китоб. – Тошкент: Фан, 1976. – Б.65-97.

<sup>24</sup> Масъул муҳаррирдан / Ўша китоб. – Б 97-99

<sup>25</sup> Қаранг. Одилхон (Достонлар, термалар). Айтувчи Саидмурод Паноҳ ўғли. Ёзиб олувчи Ш. Муродов. Кириш сўзи Т. Мирзаев. Масъул муҳаррир Ҳ. Зариф – Тошкент: Фан, 1972. – Б.31; ЗЎФА. Инв. №35; Қиронхон. Ж.3. Ўзбек халқ ижоди ёлгорликлари. 100 жыллик. – Тошкент: Гафур Гулом номидаги НМДУ, 2015. – Б. 609.

